

## МУНИС ХОРАЗМИЙ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИДА НАФС МАВЗУСИ

**Ғулумжон Бахтиярович Сапаев**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

ўқитувчиси

[g.sapaev@dba.uz](mailto:g.sapaev@dba.uz)

### АННОТОЦИЯ

Ушбу мақолада маърифатпарвар мутафаккир Мунис Хоразмиёнинг нафс ва уни тарбиялашга оид қарашлари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. Унда мутафаккирнинг тасаввуфий ва ижтимоий-ахлоқий қарашларидаги нафс, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда оқибатлари ҳақидаги фикрлари илмий аргументлар билан кенг ёритилган. Хусусан, инсон табиатидаги барча салбий иллат ва ёмонликлар сабабчиси бўлган нафснинг инсон ва жамият ҳаётига салбий таъсири, унинг кўринишлари, барча ёвузликлар нафс сабаб юзага келиши ҳақидаги шоир қарашлари берилган.

Шунингдек, Муниснинг нафсни тийиш, жиловлаш ва унинг инсонни бошқаришга йўл кўймаслик ҳамда нафсни тарбиялаш усуллари ҳақидаги ғоялари фалсафий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Нафс, тасаввуф, шайтон, ёвузлик, нафрат, ахлоқсизлик, бойлик, ҳаром, тубанлик, ёлғончилик, иккиюзламачилик, ҳалоллик, поклик, ақл, маърифат.

## ISSUES OF LUST IN MUNIS KHOREZMI'S VIEWS

### ABSTRACT

This article analyzes the views of the enlightened thinker Munis Khorezmi on the lust and its upbringing from a socio-philosophical point of view. In it, the thinker's views on the lust in its mystical and socio-moral views, its causes and consequences, are widely covered with scientific arguments. In particular, the poet's views on the negative impact of lust on human and social life, its manifestations, the origin of all evils, which are the cause of all negative vices and evils in human nature, are given.

It also provides a philosophical analysis of Munis's ideas on control of lust, self-control, and his methods of preventing and cultivating it.

**Keywords:** Lust, mysticism, the devil, evil, hatred, immorality, wealth, impurity, meanness, deception, hypocrisy, honesty, purity, intellect, enlightenment.

## КИРИШ

Тафаккур тарихидан маълумки, нафс ва уни тарбиялаш масалалари барча замон мутафаккирлари дунёқарашининг муҳим мавзуларидан бири бўлиб келган. Айниқса, Марказий Осиё тасаввуфий ғояларида нафс мавзуси муҳим ўрин тутиб, уни келтириб чиқарувчи омиллар ва нафсни тарбиялаш масалалари энг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Кўпгина Марказий Осиё файласуфлари ижодида бу мавзу асосий ўринни эгаллаганини, бу юзадан алоҳида асарлар битилганлигини кўриш мумкин. Зеро, инсон одоб-ахлоқи ва нафсни тарбиялаш масалалари, Марказий Осиё халқлари ижтимоий-ахлоқий ҳаётининг ажралмас хусусиятларидан бири бўлган.

Тасаввуфда инсон табиатидаги барча салбий хислатлар ва уларнинг турли кўринишлари «нафс» деган деган балога бориб тақалади. Тасаввуф таълимотича нафс барча ёмонликнинг ҳам, яхшиликнинг ҳам сабабчисидир. Инсон барча нарсада ўз нафсини тийиши, Навоий таъбири билан айтганда, тўқайдаги йўлбарсни енган эмас, ўз нафсини енган баҳодирдир. Шу сабабли унга қарши мурасасиз кураш олиб борилган.

Нафс, уни тарбиялаш ва унга қарши курашиш масаласи кўпгина Марказий Осиё мутафаккирлари сингари, маърифатпарвар шоир Мунис Хоразмий(1778-1829) ижодида ҳам алоҳида ўринга эгадир. Мунис ижодининг асосий мавзуларини севги-муҳаббат, гўзаллик, ҳижрон, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маърифий-ахлоқий масалалар ташкил қилсада, гуманистик қарашларида инсон нафсига алоҳида тўхталганлигини кўриш мумкин.

Мутафаккирнинг нафсга оид қарашларида у яшаган давр, маънавий ҳаёт ва маърифий муҳит, диний-ирфоний ғоялар устворлик касб этган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Муниснинг нафс ҳақидаги фикрларини таҳлили қиладиган бўлсак, у инсон табиатини ва ҳис-туйғуларини иккига, яъни гўзаллик ва жоҳилликка ажратади. Гўзалликни ахлоқий қадриятлар, эзгулик ва муҳаббат туйғулари билан ифодалаган бўлса, жоҳилликни нафс ва жирканч хирсий туйғулар билан изоҳлайди. Нафс аслида шайтоний ва ҳайвоний ҳирс деб ҳисоблаган. Кишилик жамияти қадимдан бундай иллатларга қарши курашиб келган бўлсада, бугунги кунга келиб ҳам инсоният бундай ифлос ва жирканч иллатлардан қутула олмаганлигини таъкидлайди. Аслида бу инсондаги заифлик бўлиб, бу

иллатлардан қутилиш учун Мунис ечим сифатида поклик ва вазминликни даъват этади, нафсни эса аслида инсон ичидаги шайтонга қиёслайди:

*Мен одами риёзи беҳишти қабулмен,*

*Эй нафс девни, айлама кўп шайтанат манго.* [1. Б.7-а]

Бу ерда мутафаккир девни инсондаги нафс тимсоли сифатида ифодалайди. Фикримизча адабиётшунос олим Н.Жумаев «Шоир инсон табиатидаги нафс, хирсу-ҳавасни девга тенглаштиради» [2. Б.44] - деб ўринли баҳо берган. Зеро, Нажмиддин Кубро ҳазратлари нафсни «ичимдаги дев» деб атаган эди. Шу нуқтаи назардан Муниснинг айтишича, нафс измида бўлиш бу иродасизлик ва заифликнинг оқибатидир. Девни эса фақат инсон ўз нафсини ислоҳ қилиш, тарбиялаш ва кучли ирода билангина енгиш мумкин, шу орқалигина «инсон» деган шарафли номга сазовор бўлиб, инсонлар муҳаббатига эга бўлиши мумкин деб ҳисоблайди.

Мутафаккир нафсни инсоннинг ажралмас хусусияти деб қараб, уни тиймаслик ёки бошқара олмаслик инсонни тўғри йўлдан адаштирувчи, ҳайвоний хирсни вужудга келтирувчи омил деб билади. Нафс сабаб меҳр-оқибат, саҳоват, камтарлик, меҳнатсеварлик каби олийжаноб фазилатлар ўрнини худбинлик, кўролмаслик, дангасалик, текинхўрлик, кибр, билафонлик, ҳасадгўйлик, жаҳлдорлик, кексақлаш, золимлик, ғаддорлик, вафосизлик, сабрсизлик, қонхўрлик каби иллатлар эгаллайди, охир-оқибат одамлар орасида обрў-ҳурматини, иззату-номусини йўқотади деб ҳисоблайди:

*Эй нафс, бўлуб иззат эшиги мадрус,*

*Бўлсанг не ажаб, мазалат ичра маҳбус.*

*Ҳар дунга қилиб нисор иззат гуҳарин,*

*Бисёр тўқарсен обрўю номус.* [3. Б.324]

Демак, у жамиятдаги барча ёвузлик, ахлоқсизлик ва инсонлар ўртасидаги ўзаро нафратнинг сабабини ҳам инсон нафсига боғлайди. Албатта нафс барча инсонларда бўлади, лекин унга қул бўлмаслик керак, нафснинг қули эса фақатгина ўз роҳати, тинчи, кайфу-сафоси ва манфаатини ўйлайди. Шу боис бошқалар билан рақобатлашади, ўзига душман орттиради, зиддият қилади. Бундай киши худбин, молпараст ва манфаатпараст бўлиб, асл масъулиятини ҳис қилмайди. Ўлчов ва чегара нималигини билмайди, билишни ҳам истамайди. Қилаётган ишининг оқибатидан беҳабарлиги туфайли разолат ботқоғига ботади. Оқибатда инсон ёлғончилик, иккиюзламачилик, ўғирлик, маишатпарастлик каби жирканч иллатларни одат қилиб олишини айтиб, бу

ҳақда огоҳлантиради. Бу каби иллатларнинг ечими сифатида, Мунис ақли ривожлантириш, ақл аҳли билан улфат бўлиш, илм-маърифатни эгаллашга даъват этади:

*Ақл аҳли макринга қачон ўлғай фирефта,  
Ёлгон кароматингни баён қилмагил абас. 3. Б.20]*

Мунис инсонларнинг ўз нафсининг қули бўлганлиги сабаб меҳр-оқибат фазилатлари камайиб кетишини таъкидлайди. Хусусан, у айрим замондош кишилардаги нафс устунлиги сабаб иймон-эътиқод, ахлоқ ва ҳалолликда намуна бўлиши керак бўлган замонасининг дин пешволарининг майпарастилиги, очкўзлигини ва бошқа кирдикорларини очикчасига танқид қилиб, ҳаром саналган май ҳам уларнинг меҳнат қилмай йиғнаган молидан ҳалолроқ деб таърифлайди:

*Молким шайх макр ила йиғнар,  
Майни андин ҳалол дебдурлар.  
Менга май маънин этма, эй зоҳид,  
Тарки одат маҳол дедурлар. [4. Б.244]*

Бошқа томондан Мунис бу ғазали билан, диндорларни танқид қилиб, жамиятнинг эртанги кунидан хавотирда эканлигини айтмоқчи. Ҳатто улар жамиятдаги обрўсини сақлаб қолиш, бойлик орттириш ва нафсини қондириш йўлида шундай тубанликка борадики, худонинг номини сотиб, Қуръон оятларини бузиб, нотўғри талқин қилишдан ҳам қайтмайдиган кимсалар дея баҳо беради:

*Куфрдур хаттин тасаввур айламаклик раъй ила,  
Ояти қуръонга айтилгон киби тавсир каж. [1. Б.17-а]*

Бир қарашда шоир асарларида баъзи исломий диний одатлар, кадриятлар танқид қилингандек кўринсада, аслида у ислом дини ақидаларини, қонун-қоидаларини, ахлоқий ғояларини инкор қилмади, аксинча, динга ишонганлигини, айрим асарларида эса илоҳиётга ўрин берилганлигини кўриш мумкин. Тўғри, айрим тадқиқотчи олимлар собиқ иттифоқ давридаги мавжуд сиёсат ва коммунистик мафкура таъсирида Мунис исломдаги айрим ақида ва ғояларни, ахлоқий қоидаларини қоралайди деган бўлиши мумкин. Масалан, тадқиқотчи олим С.Ҳасанов: «диний ақидаларни одобнинг асоси деб, инсоннинг ҳатти-ҳаракатини фақат тақдир, илоҳий куч билан боғловчи ислом динининг беъманилигини оташин мисраларда сатира тиғи остига олади.» [5. Б.13-14] – деб ёзади. Мутафаккир ижодига бундай ёндашув шўро тузумидаги

мафкуравий чекланганлик натижасидир. Албатта, Мунис даҳрий эмас, демак у ислом динига қарши эди деб хулоса чиқариб бўлмайди.

Муниснинг нафс ҳақидаги фикрларини таҳлили этар эканмиз. унинг фикрича шоҳларнинг ўз нафсига қул бўлиб қолиши ўзларигагина эмас, балки бутун мамлакат ва халққа катта моддий ва маънавий зарар келтиришини таъкидлайди. Тарихдан маълумки, нафсига асир бўлган мана шундай шоҳлар мамлакатнинг фалокат ботқоғига ботишига сабабчи бўлганлар. Шу нуқтаи назардан, Мунис давлатни бошқарадиган шоҳлар ўз нафсининг тўрига тушиб қолиб, нафсни ўзлари биламаган холда хўжайинига айлантиришини, охир-оқибат унинг хизматкори ва югуртагига айланиб қолишини ёзади:

*Зулфида кўнглим ватан қилмиш, валс тутмай қарор,*

*Тор уза ўргимчидек ҳар ён югурур ўрмалаб.*

*Ҳар қаён нафсинг тилар ул ён югурмакдур ишинг,*

*Гўё минмиш сени ул дев бошинг нўқталаб.* [4. Б.84]

Бундан Мунис айтмоқчики, кўнгил бу инсон нафси, зулф эса унинг тўридир. «Дев» эса шоҳнинг нафси бўлиб, гўё ҳайвонни нўхталагани каби, шоҳни ҳам унинг нафси етаклайди. Бу нафс эса шоҳнинг турли тубанлик ва ёвузликларга қўл уришига, ҳатто ўз яқинларига нафратини уйғотишига олиб боради. Мунис шоҳлар нафсини тийиб билса, тарбиялаб билса дунё инсонни улуғлайди, жамиятда ҳалоллик ва поклик қарор топади, ота-ўғил ва қариндошлар ўртасида тожу-тахт, мол-дунё учун курашлар барҳам топади деган фикрни оға суради:

*Не мурувват кўз тутарсан чархи дундинким, қилур,*

*Хаси отани ўғилга, ўглин отодни бошқалаб.* [4. Б.84]

Бу билан Мунис нафсни, инсондаги тахт ва бойликга ўчликни, унга эга бўлиш учун ўз яқинларига нисбатан нафратни шакллантирувчи, ҳатто бир-бирлари жонига қасд қилишигача олиб борувчи омил сифатида баҳоламоқда. Демак, Мунис нафс тушунчасига тожу-тахт учун кураш ва шуҳратпарастликни ҳам киритган. Шундан келиб чиқиб у нафсни ижтимоий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам барча ёвузлик ва жирканч иллатларнинг бош сабабчисидир деб ҳисоблайди.

Маълумки, ислом ахлоқида инсон аввало икки чоти ва жағлари орасидаги нафсини жиловлашлиги айтилади. Мунис ҳам ушбу тамойилдан келиб чиқиб, нафсининг ахлоқ билан боғлиқ кўринишларидан бири бўлган шаҳвоний хирс, майпарастлик ва майшатпарастликни қаттиқ танқид қилади:

*То солур ақлинга тарож шароб,  
Мулку диндин қилур ихрож шароб.  
Май қилур киштийи имонинг зарқ,  
Ким эрур қулзуми маввож шароб.* [1. Б. 45 б]

Демак, Мунис фикрича шароб ва ичкилик, аввало инсон ақлига салбий таъсир қилишини айтиб, у молу-давлатдан, дину-диёнатдан айирувчи, киши иймонини йўқотувчи ва барча ёмонликларнинг сабабчисидир дейди. У майпарастликни танқид қилиш билан бирга, унинг зидди бўлмиш соғлом турмиш тарзини тарғиб қилмоқчи бўлади.

Мутафаккир ахлоқий қарашларидаги танқид қилинган ва қораланган нафснинг кўринишларидан яна бири гиёҳвандлик одатидир. Чилим ёки наъша чекиш, яъни гиёҳвандлик инсон ҳаёти давомида орттирилган зарарли одатлардан бири бўлиб, шоир назарида бу ҳам шароб сингари инсонни тубанлаштиради, яхшиликдан, дўстлардан узоқлаштиради, худбинликка ва қашшоқликка етаклайди. Гиёҳвандлик бугун аср вабосига айланиб, жамиятда турли ижтимоий иллатларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тараққиётга тўсиқдир. Айниқса, ёшлар ўртасида бу иллатнинг учраб туриши фожеадир.

Мунис асарларида инсонларни бундай зарарли одатлардан узоқда бўлишга, айниқса ёшларни бундай иллатлардан ҳимоя қилишга чақирган. Чунки гиёҳвандлик инсонлар ўртасидаги илиқ муносабатлар ва дўстликнинг йўқолишига, таълим-тарбия ишларига, меҳр-оқибатнинг кўтарилишига салбий омил бўлиб хизмат қилади. Муниснинг «Чилим» деб номланган чистон-ғазали айнан шундай зарарли одатларни қоралашга бағишланган бўлиб, бу ҳам бир нафсни қондирувчи воситадир дейилади. Унда наъша ҳаром ҳисобланиб, уни чекишнинг келиб чиқиш сабаблари, салбий томонлари ва оқибатларига эътиборни қаратади:

*Ҳам қилур талхком, ҳам нафсин,  
Ҳам йиқар ҳушини қилиб мафқуд.  
Турфақим мунча кўп зиёни била,  
Барча оламга бордурур мақсуд.* [3. Б.331]

Бундан шуни англаш мумкинки, Мунис чилим чекиш кишининг жисмоний нафсини қондирсада, оқибатда ақл-ҳушни йўқотади, бу билан ўз жонига, ҳатти-ҳаракати, тили ва ахлоқи билан атрофдагиларга, жамиятга катта зиён келтиради деб ҳисоблаган.



Мазкур мавзу ёритишда Муниснинг тарихий қўлёзма манбалари ва ғазалларидан фойдаланган ҳолда тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, синегетик, умумлаштириш, объектив ёндашув ва умуминсонийлик методларидан фойдаланилди.

Мақолани ёритишда асосан, мутафаккирнинг ахлоқий ва нафсга оид фикрлари акс этган қўлёзма ва шеърӣ асарлари фалсафӣ жиҳатдан ўрганилди, шоирнинг ижтимоӣ-маърифӣ қарашлари ҳақида тадқиқот олиб борган Н.Жумаев, С.Ҳасанов ва В.Абдуллаевлар илмӣ изланишлари қиёсий таҳлил қилиниб, Муниснинг нафсга муносабати комплекс ёритилган.

## МУҲОКАМА

Мунис нафс, унинг келиб чиқиши ва тарбияси масаласига исломӣ ғояларга таянган ҳолда, ижтимоӣ-ахлоқӣ жиҳатдан ёндашади. Аниқроқ айтганда нафс ва унга қарам бўлишга қуйидаги омиллар сабабчи деб ҳисоблаган. Биринчидан, инсон яшаётган жамият, муҳит ва замондошларнинг хулқ-атвори таъсир қилади. Иккинчидан, кишининг жамият аъзолари билан муносабати бўлиб, айрим ўрнатилган қоида ва меъёрлар кишининг худбин ва очкўз бўлишга ўргатади. Учинчидан эса, нотўғри берилган таълим-тарбия ва ички «мен»ни жиловлаш учун иродасизликдир.

Шу нуқтаи назардан мутафаккир, инсон нафсини тийиши, жиловлаш ва уни тарбиялаш учун ўз насиҳатларини беради. Жумладан, нафс тарбиясида аввало киши юксак ахлоқӣ фазилатли бўлиши ва ёшлиқдан тўғри таълим-тарбия бериш зарурлигини уқтиради.

Иккинчидан, умуминсонӣ қадриятларга нисбатан чуқур ҳурмат ва нафс жилови бўлган иродани кучайтириш, ички «эго»нинг устун бўлишига имкони бермаслик керак. Нафс барчада бўлади ва уни у жиловланиши учун бир муддат ҳам эътиборсиз қолдирилмаслиги керак. Ўз нафсини жиловлай олган ва ундан устун келган кишигина ҳаётда ғолиб бўлишини таъкидлайди:

*Улуска эйки голиблик тиларсен,*

*Бурунроқ айла ўз нафсингни мағлуб.* [З. Б.58]

Мунис ижоди таҳлилидан келиб чиқиб, яна бир жиҳатни айтиш мумкинки, мавжуд нозу-неъматлар ва тақдир инъом қилган нарсалардан қониқиш бўлиши керак, ундан ортиғига интилиш нафснинг устун келишига олиб келади деб ҳисоблаган.

Олиб борилган тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Мунис ижодидаги гуманистик ва ижтимоий-маърифий ғоялар негизида ҳалоллик ва нафс масалалари туради. Мунис назарида соф инсоний фазилатлар, гўзал ҳулқ ва юксак ахлоқ инсон беазаги бўлиб, унинг акси бўлган ичкиликбозлик, кашандалик, очкўзлик, тубанлик, ҳирс, амалпарастлик каби иллатлар аслида нафсни жиловлаш масаласига, Мунис ижтимоий-диний томондан ёндашган.

У инсон нафсни қондириш йўлида қилган ҳар бир гуноҳ ва ҳаром иши учун, ўлимидан сўнг албатта жазосини олади деб билади. Яъни ёмоқнинг қусмоғи бўлади деганларидек, ҳаддан зиёд еб семирган киши танаси жирканч ҳашоратларга ем бўлади, бу дунёдаги ёмонликлари сабаб руҳи дўззах ўтида қуяди дея нафс қулларини огоҳлантиради ва шу билан тарбияламоқчи бўлади:

*Кўп ебон ҳайвон каби танин семиртормоқ надур,*

*Ким бу кун ё тонгладур айлар тановил они қурт.*

*Жони ёқарга дўзах аро жам этар ўтун,*

*Қозики мол йиғнар этиб майли иртишо. [б. Б.251]*

## НАТИЖАЛАР

Нафсга қарши курашишда шоир, тасаввуфнинг нафс ҳақидаги умумий қоидаларидан келиб чиқиб, инсон нафсини ақл-заковати билан жиловлаш ва бошқаришни билиши кераклигини, уни тийиш кўпроқ ўзига боғлиқ эканлигини уқтиради. Зеро, ислом дини фалсафасида нафсни ақл ёрдамида жиловлаш, уни бошқариш ва тарбиялаш кераклиги уқтирилади.

Мунис нафснинг кўринишларидан бўлган ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби ярамас одатлар кишини нафақат ахлоқсизлик ва маиший бузукликка етаклайди, балки моддий ва маънавий қашшоқликка гирифтор қилувчи воситалардир деб ҳисоблаган. Шу нуқтаи назардан Мунис қалб поклиги, эзгу ният ва меҳр-муҳаббат туйғулари нафсни тийиш, жиловлаш ва бошқариш учун муҳим маънавий омиллари деб билади. Зеро, мутафаккирнинг тасаввуфий ва нафсга оид қарашлари марказида гуманистик ва ахлоқий ғоялар туриб, инсон бахти-саодати ва камолоти мақсад қилиб олинган.

## ХУЛОСА

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, Мунис нафс ва унинг кўринишларини барча ёмонликларнинг манбаи



деб қараб, уни шайтонга қиёслайди. Чунки, нафс билан шайтон инсон ботинидаги ҳамтовоқлардир, иккаласи ҳам инсонда васваса уйғотади.

Мутафаккирининг нафс ҳақидаги фикрлари тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, нафс тарбиясида ёшлиқдан тўғри ва доимий таълим-тарбия беришнинг муҳимлигини уқтиради. Шу билан бирга жамоятдаги нафс қуллари ва ёмон иллатли кишилар таъсирдан узоқда бўлишликни тавсия қилади Қолаверса, исломий ақидалар ҳам киши нафсини тийишда, ёмонликлардан қайтаришда яхши тарбия воситаси эканлигига ишонади.

### REFERENCES

1. Мунис. Мунис ул-ушшоқ (мукаммал девон). ЎзФА. ШИ Қўлёзмалар фонди, инв. № 940.
2. Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. (Бадий маҳорат масалалари.) – Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
3. Мунис. Сайланма. – Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
4. Мунис. Танланган асарлар. – Тошкент. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1957.
5. Ҳасанов С. Муниснинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари. – Т.: Ўзбекистон, 1979.
6. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1967.